**ТАРИХ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ, ДЕЙДИЛАР. ШУНДАЙ ЭКАН, ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ТАРИХНИ ЎРГАНИШДАН БОШЛАНАДИ. ЮРТИМИЗДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН БУЮК АЛЛОМАЛАРНИНГ ЎТМИШИ, УЛАР ҚОЛДИРГАН УНУТИЛМАС МЕРОС БУГУНГИ КУНДА ТАРИХ МУЛКИГА АЙЛАНГАН. ҲОЗИРГИ АВЛОД БЕБАҲО, НЕЧА АСРЛАРДАН БУЁН САҚЛАНИБ КЕЛАЁТГАН УНУТИЛМАС МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, БЕТАКРОР САНЪАТИМИЗНИ ЎРГАНИШДАН БАҲРАМАНД БЎЛАЁТГАНИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛ, АЛБАТТА.**

## ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛИШДИ

Шаҳримиздаги Ўзбекистон Давлат тарихи ва санъати музейида Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Архитектура ва қурилиш институти ташкилотчилигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган уч қисмдан иборат тадбир бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасидан ҳарбий хизматчилар ҳамда қутқарувчилар иштирок этишди.

Ушбу тадбирнинг биринчи қисмида Тошкент шаҳрининг бой ўтмиши тарихи ҳақида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг етакчи олимлари, академик, профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлар томонидан маърузалар қилиниб, қизиқарли маълумотлар берилди. Тадбирнинг иккинчи қисмида, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган фильм намойиш этилди. Якунловчи қисмда эса Ўзбекистон Давлати тарихи ва санъати музейидаги экспонатлар кўздан кечирилди. Энг муҳими, бу ердаги экспонатлар ўтмишимизнинг бой тарихи, Истиқлол давридаги ёрқин, фаровон, тинч ҳаётни кўз ўнгимизда гавдалантирди. Бундай тадбирлар натижасида нафақат қутқарувчиларимизнинг маънавий дунёқараши кенгайиб боради, балки ҳозирги тинч осуда ҳаётимиз, ўтмишимиз ва келажагимиз ҳақидаги фикрлари янада гўзал таассуротлар билан бойиди.

**Шукрулла РАҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳар ФВБ Тиббий-биологик бўлинмаси етакчи мутахассиси**
**Азамат СУЮНОВ, журналист**





*Таълим-тарбия муассасаларида*

## БОЛАЖОНЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

**ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ НУТҚИДА НУҚСОНИ БОР БОЛАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН «ЛОЛА» НОМЛИ 544-МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ШАҲРИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РАСМЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилари иштирокида ташкил этилган тадбир дастлаб гуруҳлараро уюштирилиб, энг намунали расмлар «Ёш мусаввир» кўрик-танлови қатнашчиси сифатида мактабгача таълим муассасаси стендидан ўрин олди.

— Кўрик-танловга атаб болалар иштирокида мусиқали дастурлар ҳам тайёрланди, — дейди 544-махсус мактабгача таълим муассасаси мудираси Зебо Омарова. — Бунда болажонлар «Ватан мадҳияси», «Она Тошкентим», «Ҳур Ўзбекистоним» каби она шаҳримиз ва Мустақил Ватанимизни улуғловчи қўшиқларни ижро этишди.

Шу куни МТИМнинг педагоглари ўртасида ҳам пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланган «Тошкент — кеча ва бугун» мавзуида интеллектуал тренинг ўтказилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Иқтисодиёт*

## ТУРЛАРИ ОРТМОҚДА

**ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН ШЕРИКЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАРГА ЎРНАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲ ВА УСКУНАЛАР, ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН, ХАРИДОРНИ ЖАЛБ ЭТАДИГАН МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**

Аввало, маҳсулот тайёрлаш учун сифатли хом ашё танлашга эътибор қаратаётган «VISO» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси мутахассислари улардан самарали фойдаланган ҳолда қулай, мустаҳкам, иқлим шароитига мос пойабзал турларини яратишмоқда.

Ўтган йилни тадбиркор жамоа пойабзалчилари яхши кўрсаткичлар билан якунлашга муваффақ бўлишди. 2007 йилга нисбатан солиштирганда ишлаб чиқариш ҳажми 42 фоизга ўсди. Корхонада ялпи товар айланмаси 2 миллиард 661 миллион сўмни ташкил этиб, 378 минг жуфт оёқ кийимлари тайёрланди.

— Корхонада асосан кенг турдаги ҳарбийлар, махсус ва эркаклар учун моделли пойабзаллар тайёрланади. Буюртмачи талаби ҳамда бозорни ўрганиш асосида корхона дизайнер-модельерлари янги турдаги оёқ кийимлари моделларини яратишмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 100 нафарга яқин ишчи-хизматчиларнинг барчаси сифатга эътибор қаратишади, технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланишади. Энг асосийси эса уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай иш шароитлари, яхши дам олиш имкониятлари яратилган.

— Ҳар йили корхонамизда мавсумга қараб эркаклар пойабзалларининг кўплаб янги турлари яратилади, — дейди корхона бош директори Рустам Раҳматқориев. — Буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли адо этишда буюртмачи талабига асосланамиз. Ҳар йили модельер-дизайнерларимиз яратган янги турдаги пойабзалларимиз билан тендерларда иштирок этиб, муваффақиятларга эришаяпмиз. Мазкур изланишларимиз харидорларимиз сафи ортишида катта аҳамият касб этмоқда.

— Корхона қошида фаолият кўрсатаётган фирма дўконида ишлаб чиқарилаётган барча турдаги пойабзаллар сотилади. Шу билан бирга бу ерда ҳар бир харидорнинг таклиф ва мулоҳазалари ўрганилади. Ҳозирда тадбиркорлар баҳорги ва ёзги пойабзалларнинг янги моделларини яратишмоқда.

**Дилора СОЛИЕВА**

## ИСТЕЪДОДЛИ КАШТАЧИ

**МИЛЛИЙЛИК УФУРИБ ТУРГАН ВА ИПАКЛАРИ ЖИЛОСИ БИЛАН КИШИНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТАДИГАН КАШТАЧИЛИК БУЮМЛАРИ ТАЙЁРЛАШДА БУГУНГИ КУНДА МОМОЛАРИМИЗ ҲУНАРИНИ ЭЪЗОЗЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР.**

Истеъдодли каштачи Мадина Қосимбекова ҳам ана шундай ҳунари гўзаллар сирасига кириб, ҳозирда унинг миллий матоларимиздан фойдаланиб тайёрлаётган маҳсулотлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. У нафақат сўзана, зардевор, ёстиқ жилдлари сингари рўзғор ашёлари, балки кийим-кечаклар, эсдалик совғалари ҳам яратмоқдаки, уларда каштачининг маҳорати яққол кўзга ташланади.

Мадина ўзи тайёрлаган каштачилик буюмлари билан турли кўргазма ҳамда кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, кўпчиликни ўз ҳунари жилоларидан баҳраманд этмоқда, муваффақиятларга эришмоқда. У 2007 йилда ўтказилган «Мустақиллик нафасида камол топган ҳунармандлар» кўргазмасининг, 2006-2007 йилларда бўлиб ўтган «Мода ва дизайн ҳафталиги»нинг дипломлари билан тақдирланган, «Ташаббус» кўрик-танловининг фаол иштирокчиси сифатида янги изланишларини намойиш этади.

— Қарийб 9 йилдан буён халқ амалий ҳунармандчилигининг каштачилик йўналишида фаолият кўрсатаман, — дейди Мадина Қосимбекова. — Юртимизда ҳунарманд ва тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, бир қатор имтиёзлар мени руҳлантиради. Бугунги кунда янги маҳсулотлар яратиш, унутилган нусхаларни тиклаш йўлида ҳаракат қилаяпман. Мақсадим каштачилик ҳунарини устозларим кўрсатма ва ўгитлари асосида ривожлантириб, келгусида ўзимнинг кўргазмамдан ихлосмандларимни баҳраманд этишдир.

Ёш каштачи бугунги кунда устозларидан ўрганганларини ёшларга ўргатмоқда. «Абулқосим» мадрасасида фаолият кўрсатаётган каштачилик тўгарагида Мадинанинг 100 дан зиёд шогирдлари шуғулланмоқда.

## САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

**САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК, ДЕЯ БЕЖИЗГА АЙТИЛМАГАН. ҲАР БИР ИНСОН БЕТОБ БЎЛИБ ҚОЛГАНИДА, АЛБАТТА ШИФОКОРНИНГ ТАВСИЯСИ АСОСИДА КЕРАКЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИ.**

Пойтахтимизда 10 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Универсал-фарм» қўшма корхонасида ҳам сифатли дори-дармонлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Мазкур корхона мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари билан 2 йўналишда дори-дармонлар тайёрланмоқда. Корхонанинг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган цехларида инфузион дорилар ҳамда 10 турдан зиёд хапдори (таблетка)лар ишлаб чиқарилади. Корхонанинг лабораторияси ходимлари янги дорилар устида иш олиб боришади, унинг сифатига, саломатликни тиклашдаги аҳамиятига эътибор қаратишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлар бугунги кунда ички бозорни сифатли ва арзон дори-дармонлар билан таъминлаш баробарида, ўз маҳсулотларини экспортга чиқаришни ҳам режалаб туришибди. Шунингдек, янги дори воситалари, яъни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Яқин келгусида корхонада тайёрланган сифатли дориларнинг бир қисмини Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа қўшни республикаларга сотиш кўзда тутилмоқда. Уларнинг энг асосий мақсади эса аҳоли саломатлигини тиклашга муҳим ҳисса қўшишдир.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ ХИЛ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР, КЎРИК-ТАНЛОВЛАР, АНЖУМАНЛАР ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, УЛАРНИНГ ҚАЛБИДА ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИНИ СИНГДИРИШДА, ШУНИНГДЕК, УЛАРНИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА, МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТИР.**

*Танловлар*

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Жумладан, яқинда Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви» ҳамда «Камолот» ЁИҲ, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови ўтказилди.

— Мазкур кўрик-танлов маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш, аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини ошириш мақсадида ташкил этилди,-дейди Республика Маънавият тарғибот марказининг етакчи мутахассиси Наима Файзиева. — Шунингдек, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирлар орқали уларни фуқароларимиз руҳига сингдириш, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши ғоявий ва информацион хуружлар, улар ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи, мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот ишларини йўлга қўйишдан иборат.

Мазкур танловда 14 та иштирокчи, яъни вилоят бўлимларидан 1 тадан ғолиб иштирок этди. Қатнашчиларнинг ҳар бир чиқишларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб боришди. Танлов якунида ғолиблар «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Туманларда*

## ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2005 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ ШАҲРИМИЗДАГИ ШУ СОҲАГА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН МУАЙЯН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Чунончи, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари туман бўлимлари томонидан ҳам бу борада жойларда режали тадбирлар, тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Аксарият тадбиркорлар фаолият юритувчи бозорларда айниқса тарғибот ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Фақат жорий йилнинг ўтган икки ярим ойи давомида «Аския деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудида юқоридаги Фармоннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ишбилармонларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур билиш юзасидан тадбиркорлар иштирокида уч марта радиоузел орқали маъруза қилинди, қизиқарли савол-жавоблардан иборат жонли давра суҳбатлари ташкил этилди, — дейди Яккасарой туман ДСЭНМ санитария бўлими мудири Улуғбек Иргашев. Бундай тадбирларни уюштиришда туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимларидан овқатланиш гигиенаси бўлим мудирлари ва санитария врачлари катта ҳисса қўшмоқдалар.

Тадбиркорлар иштирокидаги ушбу йўналишдаги тадбирлар давом этмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Тадбирлар*

## КЎНГИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

**КУНИ КЕЧА ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ «ХАДРА» МАҲАЛЛАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН «АСЛ МИЛЛИЙ ТАОМЛАР» ҚАҲВАХОНАСИДА КАТТА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Маҳалладаги кекса, табаррук, пиру бадавлат отахону онахонлар, бетоб, ногирон, кам таъминланган оилалар вакилларидан иборат 260 дан ортиқ аёллар таклиф этилган ушбу тадбир кўтаринки руҳда ўтиб, кўнгилларга бир олам шодлигу қувонч улашди.

Чиройли байрам дастурхони атрофида, бир пиёла чой баҳона дийдор кўришган маҳалладошлар ўзаро дилдан суҳбат қуришиб, дилрабо куй-қўшиқлардан мазза қилиб дам олдилар. Беминнат савоб ишлар бошида турган тадбир ташкилотчиларига чин дилдан миннатдорчилик изҳор этдилар.

— Маҳалламизда 5800 нафар аҳоли тинч-тотув, ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда, — дейди «Хадра» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Асқар ака Самигов. — Ўтказиладиган ҳар бир тадбирни фаоллар билан биргаликда, келишиб ўтказамиз, имкон борича ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳол-аҳволларидан хабардор бўлишга интиламиз. Токи ён-атрофимизда ҳеч ким эътиборсиз, кўнгли ўксиб қолмаслигига интиламиз.

— Ўлкамизга гўзал баҳор фасли кириб келди, кетма-кет байрамлар байрамларга уланади, — суҳбатни давом эттиради маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Мусаева. — Шундан келиб чиққан ҳолда биз маҳалламизнинг озода, саранжом-саришта бўлиши, байрамларни муносиб кутиб олиш бўйича бир қатор режали ишларни олиб борамиз. Тадбирни ўтказишдан олдин маҳалладаги ётиб қолган, бетоб, ногирон, ёрдамга муҳтож кишиларни йўқлаймиз, совға-саломларни бериб кўнгилларини кўтарамиз. Моддий ва маънавий кўмак беришга ҳаракат қиламиз. Албатта бунда бизга маҳалламиздаги тадбиркорлар, олийҳиммат инсонлар яқиндан ёрдам беришади.

Тадбирда эл эъзозидаги санъаткорлар Тўти Юсупова, Теша Мўминов, Шоҳиста Парпиева, Ҳожиакбар Раҳматов ва Маҳмуд Рўзиевлар иштирок этиб, ўз чиқишлари билан қатнашчилар қалбига баҳорий байрам кайфиятини улашдилар.

— Мен маҳалладошларим номидан тадбирни ташкил қилган савобталаб инсонларга миннатдорчилик билдирмоқчиман, — дейди 70 баҳорни қаршилаётган Шоҳида опа Собирова. — Байрам баҳона узоқ йиллар турли соҳаларда меҳнат қилиб ҳозирда нафақада бўлган кексалар ўзаро дийдорлашдик, дилдан суҳбатлашиб ғуборларимиз ёзилди, кўнглимиз шодликка тўлди. Раҳмат, барча маҳалладошларга.

Куй-қўшиққа уланган файзли оқшом қатнашчиларнинг узоқ вақт ёдида қолиши, шубҳасиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## БОННДА ОРОЛ МУАММОСИ ҲАМДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

П. Валек иштирокчиларни ўзи раҳбарлик қилаётган марказ томонидан амалга оширилаётган ва 2002-2012 йилларга мўлжалланган «Хоразмда ер ва сув ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий ва экологик реструктуризацияси» мавзуидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси билан таништирди. Профессор Германиянинг Таълим ва тадқиқот федерал вазирлиги томонидан молиялаштириладиган мазкур лойиҳа Ўзбекистон ҳукумати ҳамда ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланаётганини мамнуният билан қайд этди.

Ушбу лойиҳанинг Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчиси доктор Ж. Ламерс ҳозирги кунгача лойиҳа доирасида эришилган натижаларга тўхталиб, Орол денгизи фожеаси собиқ совет иттифоқида амал қилган узоқни кўзламаган суғориш сиёсатининг натижаси эканини таъкидлади. Унинг фикрича, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш учун мазкур масалага халқаро жамоатчиликнинг эътиборини, қўшимча маблағ ва инвестицияларни янада фаолроқ жалб қилиш лозим.

Олим, шунингдек, лойиҳанинг амалга оширилишида иштирок этаётган хорижий ҳамда ўзбекистонлик мутахассислар сув ва ер ресурсларини бошқаришнинг муқобил усулларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилаётганини айтиб, қўлга киритилажак натижалар кейинчалик амалиётга тадбиқ этилиши мумкинлигини таъкидлади.

Ж. Ламерс мамлакатимиз ҳукуматининг сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолади. Ўз навбатида у Ўзбекистонда пахта етиштириладиган майдонларни 50 минг гектарга қисқартириш ҳамда кичик хўжаликлар негизида йирик хўжаликларни ташкил этиш борасида қабул қилинган қарорларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Олимнинг фикрига кўра, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш имкониятини берадиган ушбу чоралар қишлоқ аҳли манфаатларини инобатга олган ҳолда қишлоқ жойларидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга хизмат қилади.

Тадбир доирасида иштирокчиларга Ўзбекистонда Оролбўйи минтақасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш борасида кўрилаётган чоралар, юртимизнинг бу борадаги халқаро ташаббуслари хусусида ахборот берилди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланиш борасидаги принципиал нуқтаи назари алоҳида таъкидланди.

Тадбирдан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Бонн университети профессори Э. Цурек Ўзбекистоннинг минтақада сувдан фойдаланиш борасидаги ёндашувларида халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги инобатга олинишини қайд этди. Унинг фикрича, давлатлараро муносабатлар халқаро-ҳуқуқий механизмларга асосланадиган бўлса, бундай ҳамкорлик самарали бўлади.

«Хоразмда ер ва сув ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий ва экологик реструктуризацияси» лойиҳасининг ГФРдаги мувофиқлаштирувчиси доктор А. Машхадий баҳсли масалаларни ҳал қилишда халқаро-ҳуқуқий меъёрлар асосий восита бўлиши лозимлигига эътибор қаратди. Шу маънода у Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш масаласи минтақадаги барча мамлакатлар аҳолиси манфаатларини ҳисобга олган мустақил халқаро экспертиза натижалари асосида ҳал этилиши лозимлиги ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлади.

Тадбир доирасида Орол фожеаси оқибатлари ҳамда юртимиз ҳукумати томонидан Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш борасида кўрилаётган чоралар ҳақида ҳикоя қилувчи «Орол: умидланиш даври» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА, Берлин**

